

## “Сув муаммоларини ечишда рақамли технологиялар” мавзуси долзарбилиги талабалар томонидан намойиш этилди

22 марта Бутужаҳон сув куни муносабати билан туркум танловлар таркибида “Сув муаммоларини ечишда рақамли технологиялар” мавзусидаги мунозаралар танлови ҳам мавжуд бўлиб, ушбу танлов талабаларимизда мавзуга нисбатан танқидий-тахлилий нуқтаи назар билан ёндашиш, мавзу доирасида аргумент ва фактларнинг асосли келтириб ўтилиши, соҳада мавжуд муаммолар ечимлари юзасидан янги инновацион ечимларни келтириб ўтишдаги аниқлик ва баҳс этикаси қоидаларига қатъий риоя қилиш борасидаги малакавий тажрибаларини шакллантиради ва ривожлантиришга хизмат қилади.



Мунозаралар танлови 11 марта куни “Бутунжаҳон сув куни” туркум танловларининг биринчи кунидаги бўлиб ўтди. Танловда 20 та жамоада умумий 60 нафар иштирокчи қатнашдилар. Танлов икки босқичда иштирокчилар ўзлари тайёрлаб келган лойиҳалари ҳимояси ва “Сув муаммоларини ечишда рақамли технологиялар” мавзусидаги мунозара шаклида ўтказилди. Биринчи босқичдан финалга йўлланмани қўлга киритган беш жамоа финал босқичида фаҳрли ўринлар учун баҳс олиб боришиди.



Натижаларга кўра “HYDROLEADERS” жамоаси 1-ўринни, “A-B Smart” 2-ўринни, “Гидравликлар” З-ўринни қўлга киритишиди. Голибларни ушбу ютуқ билан табриклаб, келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз. Эслатиб ўтамиз Бутунжаҳон сув куни туркум тадбирлари 11-13 марта кунлари давомида ўтказилади.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**